САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ 2-бет

БУНЁДКОРЛИК— ШАРАФЛИ КАСБ 3-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 151 (10.204) / 2004 ЙИЛ 6 АВГУСТ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Россияда Тошкентдаги террорчилик хуружи ҳақидаги хабарларни қаҳр билан қабул қилишди. Бундай жиноий ҳаракатларни оқлаб бўлмайди.

Жаҳон ҳамжамиятининг умумий саъйи-ҳаракатлари воситасида халқаро терроризмга қарши ишончли тўсиқ қўйиш мумкинлиги ва шартлигига ишончим комил.

Қурбон бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлигимни, жароҳат кўрганларга соғайиб кетиш тилакларини етказишингизни сўрайман.

**В.ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

Москва
3 август 2004 йил

## ҚУДРАТИМИЗ — ЖИПСЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази жорий йил 30 июлда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан пойтахт аҳолиси ўртасида тезкор сўров ўтказди. Унда турли этник гуруҳлар, ижтимоий қатламлар ва динлар вакиллари, ҳар хил касб эгалари қатнашдилар.**

Мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Президентимиз Ислом Каримов турли террорчи ва экстремистларнинг ёвуз ниятлари ҳақида гапирар экан, бизнинг юртимизда ўз ғараз мақсадларига эришишни истовчилар катта хато қилишини таъкидлайди. Халқимиз, давлатимиз қадимий ва бой тарихга эга. Биз демократик жамият қуришнинг ўзимизга хос йўлимизни танлаганмиз ва бу йўлдан бизни ҳеч ким қайтара олмайди.

Тезкор сўров натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Унда иштирок этган фуқароларнинг барчаси террорчиларнинг ҳаракатларини кескин қоралаган. Улар бу ёвузликларнинг орқасида кимлар турганини аниқлаш ва тайёргарлик ўчоқларини йўқотиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Сўралганларнинг фикрича, Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари ва илҳомчилари халқаро терроризм ва диний экстремизм кучларидир. Улар энг оғир жазога лойиқ. Чунки улар бизнинг тинчлигимиз ва барқарорлигимизга раҳна солмоқчи бўлган.

Сўров иштирокчилари террорчиликка қарши кураш жараёнида халқнинг ягона мақсад ва вазифалар атрофида бирлашиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Сўралганлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишини ижобий баҳолайди ва террорчилик хавфининг батамом бартараф этилишига ишонади. Тинч ҳаётимизни барбод қилишга уринаётган қора кучларга муносиб зарба беришга қаратилган чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Сўров натижаларидан яна шу нарса аён бўладики, Ўзбекистон фуқаролари мамлакат келажаги учун ҳар биримиз масъул эканимизни тўлиқ ҳис этишади. Чунки ўз уйимизни, ўз Ватанимизни ўзимиз асрамоғимиз керак.

ЎзА

## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.**

Мажлисда радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги масъул органлар ахбороти тингланди, миллий радиочастота ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш, ўрнатиш ва фойдаланиш устидан назорат ишларини амалга оширувчи органлар ўртасида тезкор ахборот алмашув ташкил этилгани комиссия томонидан қайд этилди. 2004 йил биринчи ярим йиллигида 908 та радиоэлектрон воситадан ноқонуний фойдаланишнинг олди олинди.

Мажлисда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмасининг фаолияти ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Маълумотлар узатиш ва теледастурларни шакллантириш соҳасидаги лицензиатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Комиссия аъзолари теледастурларни кабель тармоқлари орқали тарқатишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатни муҳокама этди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** Бектемир туман Марказий кутубхонасида туман маданият бўлими ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб номланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида Фидокорлар миллий-демократик партиясининг «Аёллар қаноти» ҳаракати ташаббуси билан туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида сайлов арафасида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган форум ўтказилди.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** саноати учун зарур бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хобас тапо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси Россия, Грузия, Озарбойжон давлатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

• **ҲАМЗА** туманидаги Юсупов номли маҳалла гузарида бўлиб ўтган «Маҳалла куни» тадбирида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, маҳаллалар посбонлари иштирок этишди.

• **БАДИИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳар Кўзи ожизлар ва Карлар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

• **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалласида фаоллар ташаббуси билан болалар учун ўйин майдончаси бунёд этилди.

• **ЮНУСОБОД** туманида ўтказилган «Маҳалла куни» тадбирида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• **Кеча Тошкент туманида Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмиталари, шунингдек, Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Жисмонан ва маънан соғлом авлод тарбияси — давлат сиёсатининг устувор вазифаси» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

• **Кеча Тошкентда ўтказилган «Фуқаролик жамияти институтлари — демократик сайловлар ўтказиш омили» мавзуидаги давра суҳбати сайлов қонунчилиги тарғиботига бағишланди.**

• **Наманган вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.**

• **Қўшработ туманидаги бешта мактаб Осиё Тараққиёт банки грантини олишга муваффақ бўлди. Натижада бир мактаб тўлиқ таъмирдан чиқарилди, қолган тўрт мактабда ҳам таъмирлаш ишлари тез кунларда якунланади.**

• **Навоий шаҳридаги «Шамс Навоий» хусусий фирмаси раҳбари Шавкиддин Жамолов ташаббуси билан балиқчиликни ривожлантириш борасида фаолият кўрсатувчи «AQUA-TUDAKUL» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси ўз ишини бошлади.**

• **Самарқанд вилояти Ургут шаҳри марказидаги 123-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини ўн синфхона, ўқув лабораторияси ва спорт залига эга 300 ўринли янги мактабда кутиб олишади.**

• **Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмасида сутни қайта ишлайдиган корхона ишга тушди.**

### Жаҳонда

• **БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг билдиришича, БМТ махсус вакили Ашраф Жаҳонгир Қози келгуси ҳафтада Бағдодга бориши керак. БМТ вакилларини Ироққа жойлаштириш билан боғлиқ масала ҳам ушбу ташриф мобайнида муҳокама этилади.**

• **Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида жойлашган ўқ-дори омборида юз берган портлаш натижасида бир ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмган.**

• **Чечен айирмачилари раҳбари Аслан Масхадов Ингушетияга уюштирилган ҳужумларга бошчилик қилганини тан олди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен бугунги кунда ёрдамга муҳтож бўлган ногирон аёлман. Турмуш ўртоғим билан ажрашганимда меҳнатга лаёқатли эдим. Начора, ҳаёт бу. Лекин билишимча турмуш ўртоғим ўзига тўқ, етарли маблағга эга. Унинг менга ёрдам бериши мумкинми?**

**У.Сайфуддинова, I-гуруҳ ногирони.**

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 118-моддасига асосан етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан:

— собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;

— ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I-гуруҳ ногирони бўлган болага қараган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

— никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

— Никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин.

***

**Бугунги кунда турар жойларнинг ижара муддати қанча қилиб белгиланган?**

**Д.Собиров, ишчи.**

Турар жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Бу Ўзбекистон Республикаси уй-жой Кодексининг 36-моддасига асосан муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойларга тааллуқлидир. Бир йилгача муддатга тузилган турар жойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қоидалари қўлланилади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам турар жойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган, деб ҳисобланади.

---

*Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига*

Мавлуда ИСМАТОВА:

# ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

**Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.**

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мактаб таълимини янада ривожлантириш ҳамда ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш борасида қабул қилинган бир қанча ҳужжатлар халқимиз, кенг жамоатчилик, айниқса ўқитувчилар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.**

**Ўзбекистон Қаҳрамони, пойтахтимиздаги 273-мактаб директори Мавлуда ИСМАТОВА бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғинларидан бири бўлмиш таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи сифатида яхши самара бермоқда. Ушбу дастурда белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш аввало ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидадир.

Мамлакатимизда ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва уларнинг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори оширилди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юклама мақбуллаштирилди.

Бу жиҳатлар Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорларида ўз аксини топган.

Ушбу муҳим ҳужжатлар бизнинг жамоамиз томонидан ҳам қувонч билан кутиб олинди. Мактабимизда юзга яқин ўқитувчи фаолият кўрсатади. Шундай бўлса-да, кейинги пайтларда тарих, инглиз тили, кимё, биология каби фанларда ўқитувчилар етишмаслиги сезилаётган эди. Бу фанлардан асосан олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар дарс берарди. Ваҳоланки, бу ёшлар ҳали бу касбга тайёр эмас, кўникмаси етишмайди.

Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга оид қарорлар эълон қилинганидан кейин кўп йиллик тажрибага эга, бироқ охирги пайтларда касбини ўзгартирган ўқитувчиларимиз яна ўз жамоасига қайта бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, талабаларни мактаб таълимига, ўқитувчиликка жалб этишга эҳтиёж қолмади. Бундай ҳолатни бошқа мактабларда ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозир ўқитувчилар янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўряпти. Бу йил мактабни тамомлаган ўнга яқин битирувчимиз Тошкент Давлат педагогика университетига ҳужжат топширди.

Бир сўз билан айтганда, келажагимиз эгаси — навқирон авлодга билим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифани адо этишда давлатимиз, жамиятимиз бизга доимо мададкор бўлаётганидан беҳад мамнунмиз. Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчиларга кўрсатаётган эътибор ва эъзози ҳар бир педагогнинг изланиши учун янги имкониятлар яратмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

---

*Интилганга толе ёр*

# МИНИ ТРАКТОРЛАР СИНОВГА ТАХТ



**Шаҳримизда ўзининг самарали фаолияти билан иқтисодиётимизга салмоқли ҳисса қўшаётган корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Улар сирасига Чилонзор туманидаги «ТЭКиК» масъулияти чекланган жамиятини ҳам киритиш мумкин.**

Мазкур корхона 1992 йилдан буён 50 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли, рақобатбардош, ишлатишда жуда қулай ва оддий бўлган, асосийси эса нисбатан арзон мини техника, дастгоҳ ва ускуналари билан буюртмачиларини мамнун қилмоқда.

— Давлатимиз томонидан кичик корхоналар ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иш юритмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Евгений Трохимович. — Корхонамизда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган сифатли дастгоҳ, ускуналар ҳамда мини заводлар тайёрланади.

Тадбиркор сифатида корхона раҳбари доимо изланишда ва бу ўз самарасини бермоқда. Буюртмаларнинг сони ҳам ортмоқда.

Шу боисдан ҳам мазкур корхона жамоаси бугунги кунга келиб 6 ойлик кўрсаткичларга кўра 15 миллион сўмлик 30 хил турдаги сифатли маҳсулотларини сотишга муваффақ бўлди.

Айни кунларда корхонада ишлар қизғин. Янги маҳсулот — қишлоқ хўжалик ходимлари учун жуда зарур бўлган — мини тракторлар синовга тайёрланмоқда. Улар ҳадемай республикамиз далаларида меҳнаткашларнинг ҳақиқий кўмакчиларига айланади. Корхона тадбиркорларининг ишланмалари, заҳматли меҳнатлари маҳсули бўлган бу янги техника ҳам, аввалгилари ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади, албатта.

Мазкур жамият цехида «Ақлли техникамиз — Сизнинг унумли бизнесингиз омили!» шиори шундоққина кираверишга осиб қўйилган. Дарҳақиқат, жамоа аҳли ишлаб чиқараётган «МК—95» русумли тегирмон мажмуаси (соатига 500 килограмм донни қайта ишлайди), «МКДВ» русумли кичик тегирмон, ёғ оладиган машиналар харидорбоп бўлиб, улар барча вилоятларда унумли ишлатилмоқда.

Макарон ишлаб чиқарувчи дастгоҳ, 2 йил аввал эса вакуумли маҳсулотлар тайёрлайдиган янги машина ҳам яратилди. Чунки бу давр талаби бўлиб, корхона тадбиркорлари бугунги кунни олдиндан кўра билишларидан далолат беради. Қувонарлиси, яратилаётган ҳар бир дастгоҳ жуда пухта ўйланиб, хориж технологиялари билан таққосланади ҳамда ишда асосий эътибор сифатга қаратилади.

Хуллас корхона аҳли — «ТЭКиК»чиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ишлаб чиқарилаётган барча дастгоҳ ва ускуналар каби янги маҳсулот — мини-тракторлар ҳам ички бозоримизда ўз харидорларини топиши аниқ.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**





**СУРАТЛАРДА: «ТЭКиК» масъулияти чекланган жамиятининг тадбиркор раҳбари (пастда,чапдан ўнгга) Евгений Трохимович ва тажрибали чилангар-созловчи Толибжон Худойбердиевлар созловчи қисмларни кўздан кечиришмоқда;корхонанинг вакуумли макарон ишлаб чиқарувчи машинаси жуда харидорбоп;ёш ғайратли фрезерчиОлимжон Мирзалиев ҳар бир топшириқни кунт билан бажаради.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойиллари ва элементларидан бири, бу — капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган мажлисида капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи кескин танқид қилинган эди.**



# БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙИШИДА

## *«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК» ШАҲАР БЎЛИМИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА*



Шунингдек, қурилиш ташкилотлари ҳамон эскича услубда ишлаб, бозор шарт-шароитлари ва талабларига секинлик билан мослашиб бораётгани, қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш, уларни хусусийлаштириш ишлари суст олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Айтиб ўтилган танқидлар ва берилган таклифлардан сўнг, Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишни ривожлантириш ва бу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида очиқ ва холис тендер савдоларини ўтказиш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳукумат томонидан бир нечта меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги «Капитал қурилишда тендер савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг амалда қўлланилишида ва қурилиш соҳасига татбиқ этишда албатта банкларнинг ҳам ўз тутган ўрни бор.

Бугунги кунда республикамизнинг бешта йирик банкларидан бири ҳисобланган ва жаҳондаги нуфузли банклар билан вакиллик алоқаларини ўрнатган Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими ҳам, қурилиш ташкилотларига ҳисоб-китобларни комплекс юритиш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда амалга оширилаётган хизмат турлари сони банк томонидан қурилиш соҳасига ажратилган кредитлар, лизинглар ва факторинг хизматлари кўринишида намоён бўлмоқда ва бу хизматларнинг ҳажми ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Бунинг исботи сифатида эса авваламбор гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бугунги кундаги равон йўллари, кўркам майдонлари ва бетакрор кўринишга эга бўлган мафтункор бинолари мисол бўла олади.

Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан бир нечта йирик қурилиш-пудрат ташкилотларига хизмат кўрсатилади. 12-трест акционерлик жамияти, 159-қурилиш трести акционерлик жамияти, Турон-марказқурилиш акционерлик жамияти, Сифат акционерлик жамияти ва бошқа қурилиш ташкилотлари шулар жумласидандир. Бу ташкилотлар Тошкент шаҳрида қад ростлаган ва ҳозирги кунда бунёд этилаётган давлат аҳамиятига эга бўлган йирик объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга узоқ вақт мобайнида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Буларга мисол қилиб Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Давлат консерваторияси биноси, Ўзбекистон Миллий академик драма театри биноси, Сенат маъмурий корпуси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маъмурий корпуси, кўплаб замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва шу каби объектларни келтиришимиз мумкин.

Бу иншоотларнинг қурилишида ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келаётган ва банкимиз билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган кўпгина завод ва саноат корхоналарини айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ албатта. Норудник акционерлик жамияти, 1-ТББЗ акционерлик жамияти, Керамзитбетон акционерлик жамияти, ЕМҚЗ акционерлик жамияти шундай самарали фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар сирасига киради.

Ҳукумат қарорларини кенг кўламда ҳаётга татбиқ этиш, қурилиш соҳасини ривожлантириш ва пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва улар томонидан бунёд этилаётган иншоотларнинг ўз вақтида ва сифатли қурилиб фойдаланишга топширилишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан пудрат ташкилотларига 2003 йилда 2971 миллион сўм ва 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1479 миллион сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилган, шу жумладан 2003 йилда товар-моддий бойликларини харид қилиш учун 2240 миллион сўмлик ва иш ҳақи учун 731 миллион сўмлик, 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса товар-моддий бойликларини харид қилиш учун 1035 миллион сўмлик ва иш ҳақи учун 444 миллион сўмлик кредитлар ажратилган. Шу билан бир қаторда корхоналар ўртасидаги дебитор ва кредиторлик қарзларини қисқартириш мақсадида 2003 йилда 1200 миллион сўмлик ва 2004 йилнинг биринчи ярмида 600 миллион сўмлик факторинг амаллари бўйича хизматлар кўрсатилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими 2003 йил ва 2004 йилнинг биринчи ярмида қурилиш ташкилотларининг тендер савдоларида иштирок этиши учун зарур бўлган 4230 миллион сўм миқдорида 8 та тендер кафолатини берган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2004 йил 19 майда 1358-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган «Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан «КАЛИТИ БИЛАН» шарти асосида объектлар қурувчи ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашга учта пудратчи ташкилотларга умумий миқдори 908 миллион сўмлик кредитлар берилган.

Республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида, бу касб-ҳунар коллежлари битказилиб, фарзандларимизнинг янги, ёруғ ва шинам биноларда илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган ва замонавий ўқув асбоблари билан жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шунингдек, капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги «Капитал қурилишида ижара ва лизинг тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2003 й и л 18 ноябрда бўлиб ўтган ОАЖ «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси таъсисчилари йиғилишининг 1-сонли баённомасига асосан ОАЖ «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси таъсис этилди.

Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк» компаниянинг асосий таъсисчилардан бири ҳисобланади ва бу компания ҳам бошқа пудратчи корхоналари каби ўз ҳисоб рақамини Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимида очган ва ҳозирда шу банкда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

ОАЖ «Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси таъсис этилганига ҳали кўп вақт ўтмаганига қарамасдан, қурилиш ташкилотлари ичида ўзининг обрўсини қозона олган ва хориждаги кўплаб қурилишда зарур бўладиган механизмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузишга улгурган.

Бугунги кунга келиб ОАЖ «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига Ўзбекистон Республикаси бўйича махсус техникалар ва эҳтиёт қисмлар учун 19 та корхона умумий миқдори 4172 миллион сўмга тенг лизинг сўраб мурожаат қилган, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича иккита корхона 662 миллион сўмга лизинг учун сўров берган. Бу мурожаатномалар ҳозирда таҳлил қилиб чиқилмоқда ва улар ичидан шу кунгача иккита корхонага 89.1 минг АҚШ доллари миқдорида лизинг расмийлаштирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўнгги йилларда қурилиш ва унинг сифатига эътибор анча кучайди. Шаҳримизда чиройли ва шинам, замон талабларига мос келадиган бинолар тобора кўпайиб бормоқда.

Қурилишларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришига қонунчилик базаси ва зарур меъёрий ҳужжатларнинг яратилгани ҳам катта туртки бўлди. Хусусан, бир қатор пудратчи ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларга иқтисодий эркинлик берилди. Натижада аксарият қурилиш ташкилотлари ўзини ўнглаб олди ва иқтисодий жиҳатдан тикланди.

Айни вақтда Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими ҳам, «Универсаллик — барқарорлик ва ривожланиш асоси» тамойилига асосланган ҳолда, жаҳон банк андозаларига мос равишда ўз мижозларига барча банк хизматларини таклиф қилишни йўлга қўйди.

Фурсатдан фойдаланиб, Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбарияти барча қурилиш соҳасига алоқадор бўлган корхоналарда фаолият кўрсатаётган республикамиз аҳолисини яқинлашиб келаётган касб байрамлари — Қурувчилар куни билан чин қалбдан табриклайди.

Ҳурматли қурувчилар, сизларнинг мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизда ривож, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаймиз.







Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими, Республикамизнинг тараққиёти йўлида жонбозлик кўрсатаётган барчани ҳамкорликка чақиради ва уларга ўзининг юқори сифатли хизматларини таклиф қилади.

**Эркин ЗОҲИДОВ,**
**Давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳадя қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳадя қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳадя қилмасанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганингдан кейин ҳар кимга: «Фалон донишмандга юз сўм ҳадя қилганман», деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

Байт:

**Кутма дардингга**
**даво, пасткаш,**
**қурумсоқ кимсадан,**
**Ким чиён ниши билан**
**олғай оёқлардан тикан?**

● Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтади:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади. Ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган, одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишонч кўп бўлади. Мақтаганни хуш кўради, бир нарса тўғрисида сўрасалар шошилиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўнгга ва чапга кўп қарайди, мутакаббир ва мағрур бўлади, ножўя сўзлардан сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тушунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа чинқириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

**Байт:**

**Донога ёндошгил,**
**қоч нодондан сен,**
**Ҳатто у хавфлидир**
**доно душмандан.**

● Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.

● Кўполлик — руҳий қашшоқлик.

● Ахлоқий босиқлик — эзгуликдир.

● Эй, фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хушҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

● Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

● Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

● Бир улуғ киши айтади: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани — ғазабдир. Иккинчиси — илм гавҳари, унинг душмани — такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани — ҳирсдир. Тўртинчи — сахийлик гавҳари. Унинг душмани — таъмадир.

**Байт:**

**Ширин сўзли шилгай**
**душман пўстини,**
**Дағал сўзли душман**
**қилур дўстини.**

# МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

**Шу йилнинг июль ойида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу қарор ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди.**

Унда умумтаълим муассасалари директорлари, Қорақалпоғистон республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълим бошқармалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони асосида бугунги кунда умумтаълим мактабларида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Ўқув ва тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг шахсий улушини холисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Республика Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат тест маркази томонидан умумтаълим муассасалари ўқитувчилари, услубчилари ойлик маошларига устама белгилаш тартиблари ҳақидаги вақтинчалик низом тайёрланди. Семинар иштирокчиларига низомнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Семинарда таъкидланишича, мазкур низом умумтаълим муассасаларининг иқтидорли, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчиларни рағбатлантириш, ҳақ тўлашда уларнинг ўқув ва тарбия жараёнида қўшган ҳиссаси билан бевосита боғлиқликни таъминлаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва малакасини оширишни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўқитувчиларнинг иш ҳақи ҳар бир ўқитувчи фаолиятидан келиб чиқиб белгиланади. Бунинг учун ҳар бир мактабда махсус комиссия тузилади. Комиссия жараённи ўрганиб, шундан келиб чиқиб асосий иш ҳақига қўшимчаларни белгилаш билан шуғулланади. Мактаб директори томонидан тузилган ушбу комиссия таркибини туман халқ таълими бўлими тасдиқлаши лозим. Чунки комиссия ўз фаолияти давомида ўқитувчилар меҳнат лаёқатини баҳолашда, улар маошига устама ҳақ белгилашда холис ва тўғри фаолият юритиши даркор.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЛОҚАЙДЛИК БАЛОСИ

Ёшгина аёл оламдан ўтди. Уни сўнгги йўлга кузатдик. Қабристонда ола шивир гап юриб қолди.

— Марҳума ҳали ёш экан, бирор оғир дардга чалинган бўлса керакда.

— Йўқ, бир жарроҳнинг совуққонлиги унинг умрига зомин бўлди.

— Қандай қилиб?

— Бундан ўн ой олдин юрак хасталиги туфайли операция қилишган экан. Ундан яхши чиқибди. Муолажадан сўнг шифо топиб уйига қайтибди. Лекин ўшанда жарроҳ тушмагур шошма шошарлик билан унинг қорнида ярим метрлик докани унутиб қолдирган экан. Ойлар ўтиб ўша лоқайдлик ўз асоратини кўрсатибди. Ичаклар аста чирий бошлабди. Аёл оғриққа чидаб ўзича турли муолажаларни қилиб юраверибди. Охири шифокорларга мурожаат қилибди. Улар аёлни кўрикдан ўтказиб, қайта операция қилиш кераклигини айтишибди.

— Тоза қийнашибдику.

— Қийнаш ҳам гапми, энг ёмони жарроҳлик ёмон ўтибди. Чириб-йиринглаб кетган ичакларни кесиб ташлашибди. Лекин бўлмабди. Аёл икки кун оғир аҳволда ётиб оламдан ўтибди.

— Аттанг, ёш болалари ҳам кўп бўлса керак?

— Нимасини айтасиз. Уч гўдаги она меҳрига зор бўлиб чирқираб қолди.

Шу дамда негадир яқин қўшнимизнинг ўғли билан бўлиб ўтган шу каби бир воқеани эсладим. Ўша йигит ҳам жарроҳларнинг айби билан икки марта операция бўлган экан. Ўшанда унинг қорнида қайчини унутиб қолдиришган эди. Орадан бир неча муддат ўтиб уни қайта операция қилишди. Қайчини олиб ташлашди. Ҳар қалай йигитнинг умри узун экан, иккала операциядан омон қолди. Лекин бу орада у озмунча азоб чекдими? Ахир шунчалик ҳам лоқайдлик, ўз ишига масъулиятсизлик бўладими?

— Қайсидир касб эгалари нўноқ, лоқайд ва масъулиятсиз бўлса кечириш мумкиндир. Лекин шифокор жарроҳ бундай салбий хусусиятлардан ҳоли бўлиши керак. Чунки унинг қўлига инсон ҳаёти ишониб топширилган, — ёнимдаги ҳамроҳимнинг шу гапидан ҳушёр тортдим.

Дафн маросимидан сўнг марҳума чиқарилган хонадонга қайтдик. Умр йўлдошидан бемаврид айрилган эр, унинг ёнидаги катта-кичик уч гўдак бир аҳволда бош эгиб, мунғайиб туришарди. Жудолик азобидан кўзларида ёш.

—Бандалик, — дейман уларнинг қўлларини бирма-бир сиқиб, — худо сабр берсин.

—Отахон, раҳмат, — деди менга қараб марҳуманинг эри. — Бу ишни шундоқ қолдирмайман, болаларимни етим қилган ўша масъулиятсиз жарроҳни судга бераман.

Нима ҳам дердим. Индамадим. Бир чеккаси йигит ҳақ.

Бу битикларни ўқиган Гиппократ қасамига содиқ шифокорлар, туну кун жарроҳлик столи ёнида тик туриб беморларга қайта умр бағишлаётган ўз касбига содиқ қўли енгил жарроҳлар бизни кечиришсин. Зинҳор, базинҳор гап улар хусусида бораётгани йўқ. Лекин афсуслар бўлсинки, мингмингла шундай фидойилар қаторида туриб ўз лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли улар шаънига доғ тушираётган баъзи гуруч орасидаги курмаклар ҳам борки, уларнинг юқоридаги каби қилмишларидан кўз юмиб бўлмайди.

## БАҒРИНГ БУТУН БЎЛСИН

Ёшлигимизда кексалар шу хилда гап қилишганда бу сўзларнинг унчалик маъносига етмай ҳайрон бўлардик. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб эканда. Бағри бутунлик нима эканини, кексайиб, ёлғизланиб қолган одам биларкан.

Тунов куни аёлим касалхонага тушиб ёлғизланиб қолганимда буни яна бир бор ҳис этдим. Яхшиям қизлар, набиралар бор. Барака топишсин. Келиб-кетиб туришди. Ҳаммаси иссиқ-совуғимдан хабардор. Кундузлари кичкинтойлар билан андармон бўлиб бир дам ёлғизликни унутгандек бўламан. Лекин кечга бориб ҳамма уй-уйига тарқагач гавжум ҳовлимиз ҳувиллаб қолиб ёлғизлик мени ўртай бошлаганда бағрибутунлик фақат фарзандлар билангина эмас, балки жуфти ҳалолинг билан ҳам эканини юракдан англаб етаман. Ана шунда ўзимча ишқилиб эркак кишини қариганида аёлидан бир дам бўлсада айирмасин эканда деб қўяман.

## ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН

Ошхонада икки йигит улфатчилик қилиб ўтирарди.

— Рустам, қаерда ишлаяпсан?

— Ошхонада.

— Зўрку, ойлиги қанақа?

— Суриштирма биласанку, ҳозир ойлик билан тирикчилик ўтказиш қийин. Тушуми яхшида.

— Шунақами? Бир кунда қанча топасан?

— 2-3 минг.

— Қандай қилиб?

— Хўжайинимиз ҳар гапида «сопини ўзидан чиқаринглар», деб уқтиради. Биз ҳам шунга амал қилиб ҳам бўйидан, ҳам энидан уришга ҳаракат қиламиз. Қийин-қийин — хўрандаларга қийин. Хоҳласанг сенга ҳам ёғлиқ иш топилади. Жойлаштириб қўйишим мумкин.

Икки навқирон ёшдаги йигитнинг тўғри йўл қолиб қинғир йўлни танлагани ғашимизга тегди. Уларни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдик. Йигитлар олдинига ётсираб туришди. Кейин гапимиз қовушиб кетди.

— Бир ривоят айтиб берсам майлими, — сўрайман улардан юмшоқлик билан.

— Майли эшитамиз отахон, — дейишди улар кулимсираб.

— Бўлмаса эшитинглар. Қадимги араб халифаларидан Хорун ар Рашид янги бир сарой бино қилмоқчи бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Хорун ар Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб, ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топадилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Халифа ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул деган доно ҳам бор эди. У майдондаги кишилар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди:

— Мен устундан: «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди», деб сўраган эдим, устун шунда:

— Мен эгри бўлмадим. Тўппа-тўғри ўсдим. Тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Агар эгри бўлганимда, аллақачонлар мени ўтин қилиб ёқиб юборган бўлардилар, деб жавоб берган экан.

— Қалай маъқулми бу ҳикоя? — атайлаб сўрадим йигитлардан.

— Ёмон эмас, — дейишди улар.

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилидаги гапимни шу тарика уларга баён этдим. Бу ҳикоятдан ҳар қандай хулоса чиқариш йигитларнинг ўзларига ҳавола. Энг муҳими, улар коса тагидаги нимкосани тушуниб етишган эди.

# АЗИЗ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ!



Шарафли ва машаққатли касб эгалари — бунёдкорлар! Барчангизни юртимизда кенг нишонланадиган Қурувчилар куни — касб байрамларингиз билан чин дилдан самимий табриклаб, қуриш, яратиш ва яшнатиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларингизда зафарлар тилаймиз. Истардикки, толмас қўлли бунёдкорлар меҳнати билан қад ростлаётган ҳар бир иншоот мустақил мамлакатимизга кўрк бўлиши билан бирга эл-юрт ободлиги, турмуш фаровонлигига хизмат қилсин.





Бу борада барча ҳамкасбларимизга куч-ғайрат, шижоат ва маҳорат ҳамроҳ бўлсин.

**«МУХЛИСА ҚИЗ» ХУСУСИЙ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

# «02»: ҲОДИСАЛАР

Айрим кимсалар меҳнат қилиб тер тўкмай туриб, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришади. Охир-оқибатда эса содир этган қинғир ҳаракатлари туфайли обрў-эътиборларига ўзлари путур етказиб қўйишади ва албатта уларнинг қилмишлари қонун доирасида баҳоланади.

Собир Раҳимов тумани ИИБ ходимлари томонидан жиноят устида ушланган Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ш.Холиёр ва Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи унинг шериги А.Баҳодирлар ҳам «қилмиш-қидирмиш» деган иборанинг моҳиятига ҳанузгача етмаган эканлар. Содир этган қонунбузарликлари туфайли аввал ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб улгуришган бу икки «азамат» бундан хулоса чиқариб, бирор жойда ҳалол меҳнат қилиш ўрнига яна қинғир ишга қўл уришди. Маълум бўлишича, бу «шоввозлар» Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган шифохона олдида Юнусобод тумани, 16-мавзе, 28-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Б.Махамадалиев бошқарувидаги «ВАЗ-2106» русумли автоуловга йўловчи тариқасида ўтиришиб, Юнусова кўчасидаги 219-мактаб олдига етиб келганларида, ҳайдовчидан машинани тўхтатишини сўрашади ва кутилмаганда унга пичоқ тираб, қўрқитиб, автоуловни босқинчилик йўли билан эгаллаб олиб, қочиб кетишади. Мазкур ҳолат юзасидан ички ишлар ходимлари томонидан «Тутиб олиш» тадбири жараёнида босқинчиларнинг йўли тўсилди. Автоулов техник соз ҳолатда ўз эгасига қайтарилди. Ҳозирда ушбу жиноий ҳаракат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Турфа хил найранглари билан соддадил фуқароларимизни баъзида лаққа тушириб, уларнинг тўплаб юрган мол-давлатларини осонгина қўлга киритиб олиш қобилиятига эга шахсларни «фирибгарлар» деб атаймиз. Юнусобод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К.Александр деган шахс ҳам ана шу «касб» соҳибларидан бири эканлигини исбот этди. У туманнинг 9-мавзесида истиқомат қилувчи К.Дмитрийга қатор-қатор ваъдаларни бериб, уни «Корея давлатига ишга юбораман» деб алдаб, 3.250 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қуртдай санаб олган ва қайтариб бермасдан анчагача сарсон қилган.

Бундан ташқари, унинг ўз уйида Ҳамза тумани, Сувсоз даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро В.Седовнинг ҳам ишончини қозониб, унга ҳам айнан шу тарздаги қуруқ ваъдаларни рўкач қилиб, бир амаллаб тўплаб келтирган 2000 АҚШ долларини қўлга киритиб олиб, қочиб юрганлиги ҳам фош этилди. Ҳозирда жиноятчи устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот маркази**
**инспектори.**

# ЭСИЗ ВАҚТ

**Ҳажвия**

Мансурхўжа унинг дўстларининг таърифи билан айтганда хўроз йигит. Баъзиларга ўхшаб ҳасадгўй, кек сақловчи эмас. Кўриниши қорача бўлса-да, қалби оқ. Юрганда ҳам тўғри, сўйлаганда ҳам. Аммо... Ана шу «аммо»си чатоқ бўлди-да. «Аммо»си нима экан, дейсизми. Бўлмаса, эшитинг. Ишхонада ҳадеб туғилган кунига таклиф қилавергандан кейин шу баҳона у билан дурустроқ танишиб олиш учун уникига бордим. Якшанба, кечки пайт. Баҳорнинг иссиқ куни бўлгани учун жой ҳовлига қилинган, ўн кишилик стол атрофида ҳамкасбим кўзлари қизарган, қовоқлари салқиган йигит билан «мен сенга айтсам»га зўр беришарди. Худди узоқ вақт учрашмаган дўстлар каби қучоқлашиб кўришдик. Ҳай, ҳай, пинжиларидан шундай қўланса ҳид анқир эдики, гўё уларнинг устидан кимдир бир челак арақ ағдариб юборгандек. Ҳол-аҳвол сўрашиш ҳам шунга яраша бўлди:

— Хў-ўш, Асилжон, соғлиқлар, бола-чақалар яхшими? — сўради Мансурхўжа.

— Шукр, ҳаммаси яхши.

— Хў-ўш, қўни-қўшниларчи?

— Улар ҳам соғ-омон, ризқиларини териб еб юришибди.

— Ён қўшнингиз-чи?

— Уям яхши юргандир, бир ҳафтада бир кўришиб қоламиз.

— Нега... энди?..

— Иш, тирикчилик дегандай.

— Ҳим, хў-ўш, сингиллар, жиянлар...

— Ҳаммаси бардам, бақуват.

— Ўзингизнинг соғлиқларингиз?..

Ҳол-аҳвол сўраш яна такрор бошланганидан асаб торларим таранглашди. Бир нарса дейиш — ноқулай. Ҳар ҳолда меҳмонман! Мансурхўжа ҳам меҳмоннинг кўнглини овладим, деб ўйлади шекилли, ўтирган кўйи пинакка кетди. Шунисига-ям шукр қилиб, бир пиёла чойни энди лабимга олиб борган ҳам эдимки, яна бир ҳамсоямиз Ғайратжон тилга кириб қолди.

— Уч кун аввал ўттиздан хатлаган бўлсам ҳам, аммо, вей, дунёда мен кўрмаган нарса, мен ичмаган арақ қолмади. Акажон, қалай, соғлиқларингиз яхшими?

— Яхши, — энсам қотиб жавоб бердим.

— Ана шу яхши соғлиғингиз учун битта уриштирайлик.

— Мен умуман ичмайман, укам, дўхтирлар ман этишган.

— Ўша дўхтирларингизга мен ўзим справка ёзиб бераман. Вей, мени ким деб ўйляпсиз?.. Қани, қани, битта томчи қолдирган номард.

— Ҳечам иложи йўқ!

— Мени танимаяпсиз-а, вей менинг қўлимни ҳатто тушида ичмаганлар ҳам қайтармаган, тушундингизми?.. Ҳой, Мансурхўжа ака, кўзизни очинг, манави дўстингизнинг хархашаларини эшитиб қўйинг.

Мезбон чўчиброқ кўзини очди, атрофга олазарак боқиб:

— Биз ўзи қаердамиз? — деб қолди.

— Сизнинг уйингиздамиз, шеф, манави дўстингиз ичмасдан ноз қиляпти, айтиб қўйинг, бўлмаса... Менинг кимлигимни яхши биласиз-а, вей жаҳлим чиқиб турибди, ҳозир меҳмоннинг қадаҳини ҳам шартта отиб юборишим мумкин.

Ҳали ўзига келмаган Мансурхўжа икки кафти билан бошини эзиб кўрди, кейин ўзиникилигига ишонч ҳосил қилди шекилли, тиржайиб:

— Оббо Асилжон-ей, заб келибсиз-да, соғлиқлар яхшими ишқилиб, — деди.

— Яхши, яхши, ҳаддан ташқари яхши...

— Бола-чақалар, қўни-қўшнилар...

Дод деб юборишимга сал қолди. Мулозимат, такаллуфнинг-да чегараси бўлиши керак эмасми, ахир. Ҳатто бешик тўйига йиғилган хотин-халаж ҳам бунчалик эзмачиликка бормаса керак. Эсиз вақт, эсиз одамийлик, эсиз ёшлик. Янги дўстим билан бир гурунглашиб, ғуборларимни ёзиб келаман, деган умидим сароб бўлиб чиқди. Хунобим ошиб, ўрнимдан туриб кетдим. Дарвозага яқинлашганимда Мансурхўжа: «Бир коса овқат...», иккинчиси эса: «Овқатдан олдин бир қадаҳдан», дея ғудранишарди.

Кўча муюлишига боргач беихтиёр ортимга қараб қўйдим. Қўлида целофан халта кўтарган икки киши зўр бериб Мансурхўжа дарвозаси ёнидаги электр тугмачани босишарди. Уларни ўйлаб секингина валидолга қўл чўздим.

**Уста НАБИ**

*Бўш вақтингизда*

# БОШҚОТИРМА




**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Тўпли спорт ўйини. 2. Ёш истеъдод соҳибалари сазовор бўладиган давлатимиз мукофоти. 3. Мамлакат салоҳиятини ташкил этувчи соҳа мажмуи. 4. Метрнинг миллиондан бир улуши. 5. Миснинг бошқа металлар билан аралашмасидан ҳосил бўлган қотишмаси. 6. Эшикнинг очилиб-ёпиладиган бўлаги. 7. Шеърий жумбоқ. 8. Сайроқи, қафасда боқилмайдиган парранда. 9. Адиблар ҳақида маълумотлар ва асарларидан намуналар келтирилган тўплам. 10. Асослари тенг ва параллел кўпбурчаклардан иборат геометрик жисм. 11. Буюк муҳаддислардан бири, ватандошимиз. 12. Бирор ишни маълум ҳақ эвазига тўлиқ бажариш мужбурияти асосида ишлаш усули. 13. Усти гумбаз шаклидаги ёпиқ ҳовуз. 14. «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз шоири. 15. Ранг-баранг тусли қуш. 16. Буғдой нави. 17. Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. 18. Ғозғон конидан олинадиган маъдан. 19. Африканинг Виктория кўли шимоли соҳилидаги пойтахт шаҳар. 20. Ҳиндистонга олиб борувчи энг қисқа денгиз йўлини топиш учун Испания томонидан уюштирилган экспедиция бошлиғи, кашфиётчи сайёҳ. 21. Африка саванналарида ўсувчи дунёдаги энг улкан дарахт.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар**: 1. Бирор муаммони ҳал этишга оид йўл-йўриқ, маслаҳат — 12, 18, 4, 19, 2, 11.

2. Хотира бўлиб қолган нарса — 16, 7, 3, 2, 17, 5, 12.

3. Ўнг томони силлиқ жун мато — 6, 1, 15, 14, 8.

4. Ўйлаш, фикр юритиш — 10, 2, 13, 17.

5. Қисқа муддатли само ҳодисаси — 9, 11, 5, 4.

**Очқич жавоблари асосида шаклнинг ички қисмларидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан буюк соҳибқирон Амир Темур меросига мансуб икки ибратли сўзни билиб оласиз.**

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 30 июль сонида берилган БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**БЎЙИГА**: **1. Лаос. 2. Олов. 3. Одат. 4. Омск. 5. Лист. 6. Сарф. 7. Ваъз. 8. Тонг. 9. Курс. 10. Тарҳ. 11. «Форд». 12. Зонд. 13. Ганг. 14. Сўқа. 15. Ҳинд. 16. Дуэт. 17. Доза. 18. Гашт. 19. Арфа. 20. Дефо.**

**ЭНИГА**: **1. Лото. 2. Осло. 3. Очко. 4. Овул. 6. Сарв. 7. Ватт. 8. Танк. 9. Корт. 11. Файз. 12. Занг. 13. Гипс. 14. Сулҳ. 16. Диод. 17. Донг. 18. Гана. 19. Асад. 21. Тола. 22. Азот. 23. Тула. 24. Аъло.**

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар**: 1. Онг. 2. Қум. 3. Эртак. 4. Ниҳол. 5. Ғўза.

**Ҳикмат**: Ҳаракат қил, номинг улуғла, ўрган эзгуликка.

## Аҳоли диққатига!

2004 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 23 сўм 10 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 11 сўм 55 тийин белгиланди.

**ОАЖ Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. 1 2 3 4 6